



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 11 » sentabr

№ 461

Toshkent sh.

Вазирлар Маҳкамасининг “Селекция ютуқлари синовларини ўтказишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 29 декабрдаги 369-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

Мамлакатимизда интеллектуал мулк объектларини яратиш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, интеллектуал мулкни рўйхатга олиш тизимини соддалаштириш ҳамда бу орқали илм-фан ва ишлаб чиқаришни ўзаро боғлаш мақсадида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, интеллектуал фаолият натижаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича тартиб-таомилларни енгиллаштириш, бунда аҳолига хизмат кўрсатувчи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолият йўналишларини аниқ белгилаш ҳамда уларни моддий жиҳатдан таъминлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 26 апрелдаги ПҚ–221-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Селекция ютуқлари синовларини ўтказишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 29 декабрдаги 369-сон қарорига **иловага мувофиқ** қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

патентга лаёқатлилиқ экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ қонунчиликдаги айрим тушунчаларни бир-бирига **мувофиқлаштириш**;

селекция ютуқларини рўйхатдан ўтказишга доир талабномалар бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан патентга лаёқатлилиқ экспертизаси ўтказилишини **молиявий жиҳатдан** таъминлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги **15 кун** муддатда селекция ютуқларини рўйхатдан ўтказишга доир талабномалар бўйича ўтказилган патентга лаёқатлилиқ экспертизаси юзасидан ихтисослаштирилган ташкилотларга тегишли маблағлар мазкур қарор талабларига мувофиқ **қоплаб берилишини** таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Дж. Ташкулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “II” сентябрдаги 461-сон қарорига
илова

Вазирлар Маҳкамасининг “Селекция ютуқлари синовларини ўтказишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 29 декабрдаги 369-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. 1-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг патентга лаёқатлилик экспертизаси, шу жумладан, синовларнинг қуйидаги ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.”;

учинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 2-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Белгилаб қўйилсинки, ҳайвонларнинг янги зотлари бўйича талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг патентга лаёқатлилик экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси томонидан ҳайвонларнинг янги зотлари яратилган ташкилотлар – чорва наслчилиги субъектларида ўтказилади”.

4. Қуйидаги мазмундаги 3¹-банд билан тўлдирилсин:

“3¹. Селекция ютуқларига доир талабномалар бўйича патентга лаёқатлилик экспертизасини ўтказиш учун тўланган давлат божининг (патент божининг) селекция ютуқларини рўйхатга олувчи давлат органига тегишли қисми ушбу экспертизани ўтказган ихтисослаштирилган ташкилотга тўлиқ ўтказилади”.

